
???? Ўзбекистондаги #эпидемиологик_вазият'га оид сўнгги янгиликлар

????Мамлакатда коронавирус аниқланганининг тўртинчи ҳафтаси якунида жами ҳолатлар 865тани ташкил этмоқда. 12 апрель куни 98 нафар янги бемор аниқланди (<https://kun.uz/news/2020/04/12/ozbekistonda-koronavirusdan-zararlanish-holatlari-soni-865taga-yetdi>).
????Тошкент, Бухоро ва Хоразмда даволанган беморларнинг 24 нафари тузалиб, соғайганлар сони 66 кишига етди (<https://kun.uz/news/2020/04/12/buxoro-va-horazmda-davolangan-5-nafar-bemor-covid-19dan-butunlay-sogaydi>).
????Наманган шаҳри ва Учқўрғон туманида 13 апрель соат 06:00дан бошлаб, фуқароларнинг кўчага чиқиши деярли бутунлай тақиқланади (<https://kun.uz/news/2020/04/12/namangan-shahrida-kochaga-chiqishga-cheklov-ornatilmoqda>). Фақат юз метр масофадаги савдо нуқталарига кунига бир марта чиқишга рухсат берилади.
????Жарималар учун белгиланган имтиёзли давр карантин қоидаларини бузганлик учун тўланадиган жарималарга тааллуқли эмас (<https://kun.uz/news/2020/04/12/avtomashinani-stikersiz-boshqarganlik-uchun-jarimani-karantindan-keyin-tolashga-ruxsat-etiladimi>). Банклар кредит таътиллари эълон қилган, аммо таътил давомида ҳам фоизлар ҳисобланишда давом этади (<https://kun.uz/news/2020/04/12/ozbekistonda-kredit-tatillari-davomida-ham-foizlar-hisoblanadi>).
????«Меҳр-шафқат ва саломатлик» фондига 10 апрелгача 6 млн доллар (<https://kun.uz/news/2020/04/12/mehr-shafqat-va-salomatlik-fondiga-qancha-mablag-tushdi-va-u-nimalarga-sarflanmoqda>) эквивалентдаги маблағ келиб тушди

2020-04-13 05:54:04